



ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ ФАРҒОНА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудлардаги амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишди.

Халқимиз фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодий ривожини йирик лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир шаҳар ва тумanning салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда истиқболли режалар ҳаётга татиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил май ойида вилоятга ташрифи чоғида "Global textile infinity" кластерининг ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Ушундан кўрсатмалар асосида лойиҳа жадаллаштирилиб, декабрда ишга туширилди.

Бу галги ташрифда Қўштепа туманидаги мазкур тўқимачилик корхонаси кўздан кечирилди.

Бу ерда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашнинг тўлиқ жараёни йўлга қўйилган. 132 миллион евро эвазига катта фабрика ташкил этилиб, Швейцариянинг "Rieter Machine Works" ускуналари ўрнатилган.

Корхона йилига 18 миллион метр аралаш мато ҳамда 10 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Европа давлатлари ва Хитойга 85 миллион евролик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Бунинг учун корхонада сифат лабораторияси ташкил этилган.

Президент тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, таниқли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологиялар қўлланилмоқда. Ишчиликнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Буларнинг натижасида қарийб 23 фоизга энергия самарадорлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги биринчи босқичда корхонада 1 минг 500 нафар киши ишламоқда. Жорий йил март ойида фабрикада тўқима мато ишлаб чиқариш бошланади. Шунингдек, Учкўприк туманида ип-калага ва мато тайёрлаш ҳамда пахта қайта ишлаш корхоналари ташкил этилмоқда. Шунда кластердаги жами иш ўрни қарийб 5 мингга етади.

Бу ерда ўқув ва касаначилик маркази ҳам очилган. Унда корхона учун зарур 4 та йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.

Ушбу кластер мажмуасида водий вилоятларида пахта-тўқимачилик санатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Утган олти йилда бу вилоятларда 35 та кластер ташкил этилиб, 670 миллион долларлик 150 дан ортиқ йирик лойиҳа ишга туширилган.

Маълумки, шу йил 26 январда пахтачилик кластерлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид Президент

қарори қабул қилинди. Унга кўра, кластерлар пахта етиштиришга ўғит, уруғ, ёқилғи учун имтиёзли кредитларни ис- талган вақтда олиш имконига эга бўлди. Уларга ғўза навларини мустақил жой- лаштириш, четдан ҳосилдор навларни селекция учун олиб келишга рухсат бер- илди.

Шунингдек, лазерли текстиллари- ни сотиб олишда улар қийматининг 30 фоизи бюджетдан қоплаб берилди. Ишлаб чиқаришни илм билан боғлаш мақсадида ҳар бир кластерга пахтачи- лик илмий ташкилотлари ва агрохимизмат марказлари бириктирилди.

Йиғилишда мазкур чора-тадбир- ларнинг амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, ип-калавани чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотларни кўпайтириш бўйича кўр- сатмалар берилди. Водийнинг 23 та ту- манида "хом ашё - тайёр маҳсулот - экс- порт" занжири асосида, тўқимачилик санатини чуқур ривожлантириш учун барча имконият ва шароитлар бор. Шу боис мазкур 3 та вилоятда тўқимачилик маҳсулотлари экспортни жорий йилда 2,5 миллиард долларга етказиш имко- нияти борлиги таъкидланди.

Иқтисодий тармоқларидаги бугун- ги тенденцияга ҳамроҳанг, кластерлар ҳам энергия истеъмолнинг бир қис- мини муқобил манбаларга ўтказиши зар- урлиги қайд этилди.

Президент Қувасой шахридаги "Art soft ceramics" корхонасида бўлди. Утган йил декабрда иш бошлаган корхона йилига қарийб 3 миллион ква- драд метр керамогранит маҳсулотлар тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 350 нафар ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Маҳаллийлаштириш даражаси 100 фоиз бўлган боис товарлар хорижи- кидан анча арзон нархларда бозорга чиқарилмоқда. Шунингдек, уларнинг 35 фоизи Россия, Қирғизистон ва То- жикистонга экспорт қилиниши режа- лаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада ва умуман Қувасой шахрида экспорт кўр- саткичларини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун чет элдаги са- ноат зоналари билан ҳамкорлик ўр- натиш, иш ўринларини кўпайтириш бўй- ича кўрсатмалар берилди.

Тиббиётда хусусий секторга имко- ният берилгани рақобат ва сифатни оши- ришда муҳим омил бўлмоқда. Фарғона вилоятида бундай муассасалар 720 тага етди. Улардан бири Фарғона шахридаги "Meridian" тиббиёт марказидир.

▶ 2-бет

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Жаҳон банки экспертлари билан фикр алмашилди

"Марказий Осиёда инфратузилмани бошқаришни баҳолаш" дастури доирасида Даниел Фелкман бошчилигидаги Жаҳон банки экспертларидан иборат миссия аъзолари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига ташриф буюрдилар. Учрашув давомида инфратузилма объектларини бошқариш юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари, инфратузилмаларни бошқаришдаги яхлитлик масалалари, соҳадаги мониторинг, асосий ишлаб қўраёткичлари, тариф сиёсати бўйича фикр алмашилди, дастлабки хулосалар муҳокама қилинди.



Йиғилишда шунингдек, инфратузилма лойиҳаларини бошқаришда шаффофлик, ижтимоий соҳа объектлари, давлат дастурлари асосида қурилаётган объектларни молиялашти- риш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бунда лойиҳаларни режалаштиришдан харидлар ва активларни бошқаришга қадар бўлган жараёнлар қамраб олинди.

Шунингдек, давлат ва хусусий сектор иштирокчилари- нинг яхлитлигини ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш механизми ҳам таҳлил қилинди.

Миробод туманидаги бошқарув ташкилотлари ўрганилди



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева, Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоатов ва бошқа мутасаддилар пойтахтимизнинг Миробод туманида фаолият юритувчи бошқарув ташкилотлари вакиллари билан учрашдилар. Унда бошқарув ташкилотларининг иш фаолиятида аниқланаётган камчиликлар танқидий кўриб чиқилди.

– Ҳар бир кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув таш- килотлари замонавий талабларга жавоб бериши лозим. Албатта, би- ринчи навбатда туну кун ишлов- чи диспетчерлик хизмати бўлиши шарт. Шунингдек, "Менинг уйим" биллинг тизими орқали соҳада шаффофлиқни таъминлашда барча масъулиятни ҳис қилиши керак, – деди Озода Жўраева.

Йиғилишда бошқарув ташки- лотлари вакиллари соҳага оид

хусусан, "Менинг уйим" биллинг тизими бўйича саволларига мута- хассислар томонидан жавоб берил- ди. Шунингдек, тизимда мажбурий бадал тўловлари кўрсаткичи сўн- ги ойлarda тушиб кетаётганлиги омиллари таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Ҳабибулла Мирсоа- тов бошқарув ташкилотларининг молиявий ҳолатини яхшилаш, бунда аҳоли турар жойлари ҳамда ижти- мий соҳа объектларида мавжуд

дебитор қарздорликларни камай- тиришда БСКларга ердан бериш бўйича тегишли масулларга топ- шириқлар берди.

Шунингдек, мутасаддилар бош- қарув ташкилотлари мутахассисла- рини ўқитиш, малакасини ошириш ишларини муҳокама қилдилар.

Маълумот учун, Миробод ту- манида жами 820 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, мазкур уйларга 39 та БСК ва 14 та ширкат томонидан хиз- мат кўрсатилди.

Ширин маҳалласида янги БСК очилди

Яқинда Президент ташриф буюрган Учтепа тумани Ширин маҳалласида янги "Учтепа ширин" бошқарув сервис компаниясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва- зирлиги ўринбосари Озода Жўраева, Учтепа тумани ҳо- кими Фарход Абдуллаев, туман прокурори Алишер Қороев ва бошқа мутасаддилар иштирок этдилар. Мазкур бошқарув сервис компанияси маҳалладаги 24 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Янги бар- по этилган БСК биносига аҳоли мурожаатлари учун барча шароитлар яратилган.

Маълумки, Президентимиз ташрифидан сўнг Ширин маҳалласида салмоқли ишлар амалга оши- рилди. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг том, фасад қисмлари ҳамда кириш йўлақлари таъмирланди. Болалар учун замонавий уйингоҳлар барпо этилди. Кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб, тар- тибга келтирилди.

Аҳоли вакилларига бошқарув ташкилотининг янги биноси таништирилди.



Қурилиш соҳасида электрон давлат харидлари ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Даврон МИЛИЕВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Қурилиш соҳасида инсон омилсиз электрон давлат харидларини жорий этилганига ролпа-роса бир йил бўлди. Ушбу тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 46-сон қарори билан жорий этилган эди.

2022 йил давомида ҳар хил молиялаштириш манбалари ҳисобидан бошланғич қиймати 21,83 трлн сўмлик 12511 та объект бўйича инсон омилсиз электрон тендер этилиши натижасида қурилиш соҳасидаги давлат харидларида ортиқча қоғозбоз- лиска чек қўйилди, қурилиш-пудрат ташкилотлари учун ҳаққоний рақобат бозори яратилди. Шунинг- дек, тендер жараёнларида инсон омил чеклани-

ш натижасида коррупцияга барҳам берилди. Энг асосийси, ушбу соҳадаги тадбиркорлик субъект- ларида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ҳалол тендер голиби бўлиши мумкинлиги тушунчаси шаклланди.

Шу билан бирга юқоридagi қарорда: – пудратчилар пудрат шартномасининг камида 60 фоизини ўз қучлари билан бажариши; – қурилиш ишлари ўз вақтида бажарилмаган тақдирда, то ушбу ишлар якунланмагунча янги тендерларга қўйилмаслиги; – шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда ушбу пудрат ташкилоти 24 ойга давлат харидларида киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг Давлат харидлари бўйича пудрат шартномалари ижросини урганишлар шунч қўрсатмоқдаки, айрим пудрат ташкилотлари ишларнинг катта қисмини субпуд-

ратчиларга бериб юбормоқда. Бу ҳолат солиқ органларига пудратчилар томонидан ҳар ойда топширилаётган счё-т-фактураларга мувофиқ асос- ланмоқда. Хабарингиз бор, солиқ органларига киритилаётган ҳисоб-фактураларда Давлат хариди объектнинг тендер лоти ҳисоб-фактура топшира- ётган пудратчи томонидан киритилади.

Бугунги кунда қурилиш соҳасида давлат харид- ларини изоҳоти рақамлаштиришлар асосида амалга оширилмоқда. Бу дегани, ҳар бир қури- лиш-пудрат ташкилотининг Давлат харидлари бўйича шартнома шартларини бажариш тарихи ўчмас маълумотлар базасига киритиб борилади ва эндиликда улар ушбу маълумотлар асосида сара- ланади. Бу ҳолатда қурилиш-пудрат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари ўз имижлари устида қаттиқ ишларни мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, кўп йиллик имиж бу катта ютуқдир.

ВОДИЙ ЖАВОҲИРИ ФАРҒОНА ҲАР ЖАБҲАДА НАМУНА БЎЛМОҚДА

1-бет

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

2021 йил декабрда фойдаланишга топширилган клиника замонавий ташхис ва даволаш хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунинг учун Германия, Жанубий Корея, Япония ва Хитойдан замонавий ускуналар келтирилган. Шифохона 120 та стационар ўринга, йилга 2 мингга жарроҳлик амалиётини ўтказиш қувватига эга.

Этиборлиси, ўтган йили тиббиёт маркази ҳузурда университет ҳам очилди. Ҳозир 600 нафар талаба ўқимокда, уларга чет элик ўқитувчилар сабоқ бераётир. Талабалар тиббиёт марказида амалиёт ўтайди.

Шу тарихда бу муассаса замонавий клиникалар, ташхис марказлари, лабораториялар ва университетни ўзидан бираваштирган тиббиёт кластерига айланди.

Давлатимиз раҳбари шифокорлар билан суҳбатлашди.

– Хусусий тиббиётга шароит яратганимиз ўзини оқлади, бунга аҳоли қабул қилди. Чунки одамларимиз яхши яшашга интиляпти, ўз соғлиғига қараयпти. Аҳоли даромадини

ошириш бўйича қилаётган ҳамма ҳаракатларимиз аслида шунинг учун – халқимизнинг соғлом ва фаровон яшашини учун, – деди Шавкат Мирзиёев.

Клиниканинг интервенцион кардиология, кардиохирургия, трансплантология, радиологияни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилон шаҳридаги “Олтин ипак карвонсаройи” туристик марказини бориб кўрди.

Бу ерга келган киши қадим ўзбек хонадонларидаги муҳитни ҳис этди. Мажмуанинг биринчи қаватида гиламдўзлик, каштачилик, мисгарлик каби халқ хунармандчилиги хоналари жойлашган. Уларда сайёҳлар миллий махсулотларимизнинг тайёрлини жараёнини яқиндан кўриши, харид қилиши мумкин.

Иккинчи қаватда жами 30 ўринли қадимий услубдаги карвонсарой ташкил этилган. Истикболда мажмуа бир йилда 10 мингдан ортиқ сайёҳларга хизмат кўрсатиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари миллий ўзгичлиги ва ёшлар тарбиясига эътибори учун хунармандларга миннатдорлик билдирди.

– Ҳозирги юксак технологиялар асрида мана шундай оддий, самимий жойларни

одам соғинади, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу хунарларни, бу маданиятни бобо-момоларимиз фақат қўли билан эмас, қалб қўри билан яратган. Бир пайтлар бу йўналишлар йўқолиб кетишига оз қолганди. Уларни асраб-авайлаётганингиз учун раҳмат. Бу маданиятимизни нафақат чет элликларга тарғиб қилиш, балки фарзандларимизга ҳам синдириш керак.

Президент усталарнинг миллий хунарларни мактабларда ўргатиш таклифини қўлаб-қувватлади. Мутасаддиларга туризм салоҳиятини ошириш, уни тарғиб этишда кино санъатидан оқилонга фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўтган йили Марғилон шаҳрига “Жаҳон ипак ва икат хунармандлари шаҳри” макони берилган эди. Бундай мақомга Бухоро зардулик, Кўкун ёғоч ўймакорлиги бўйича сазовор бўлган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи аяқунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Ўза Нухбирлари.

Қонунни билмаган, миллионларни йўқотади

Аъзам ТИЛЛАЕВ, Кадастр агентлиги Пастдарғом тумани бўлими бош инспектори.

Кадастр агентлиги Пастдарғом тумани бўлимига 2022 йилда юридик ва жисмоний шахслардан 75 та мурожаат тушиб, шундан 55 тасига ижобий ечим топилган. 15 та ҳолатда фуқароларга тушунтиришлар берилиб, айримлари тегишли ташкилотларга юборилди.

Туманда 87 102 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, унинг 41 821 гектари суғориладиган ерлар. Аҳоли томорқа ерлари 8 335 гектарни ташкил этади. Жорий йилда 229 та 2,5 гектар ер майдонларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, 3,4 миллиард сўм миқдорда жарима жазоларини қўлаш бўйича баённомалар расмийлаштирилди.

Айрим фуқаролар қонунни билмаслиги оқибатида ноқонуний қурилишларга қўл ургани сабабли уларга нисбатан 2,9 миллиард сўм

миқдорда жарима жазо қўлланди. 25 нафар киши эса йўл қўйган камчиликларини учун 1 миллиард 875 миллион сўм миқдорда жаримага тортилди. Шунингдек, 42 та ҳолатда 1 миллион 134 минг сўм миқдорда маъмурий баённома расмийлаштирилган. Ҳозирги кунда бўлим томонидан 2 миллиард сўм миқдордаги жарималар ундириб олинди, қолган 1 миллиард 846 миллион 300 минг сўм миқдордаги жарималар муаммосини ҳал этиш учун Мажбурий ижро бюросига ўтказилган.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Шукруллобек Жаҳонгирев,
Қозим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

**«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-ҳол коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсанотқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎАГШКЛИТИ» ДУК,
«ЎшаҳарқозоликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Наманган вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидега 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-237.
1768 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақрир қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масуул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – И. Ибодулло.

ЎА яқуни –
Топширилди – 23.45.

“Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмасида 2022 йил сарҳисоби

Ислон ИБОДУЛЛА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш материаллари соҳасида 2022 йилда жами 30,7 триллион сўмлик қурилиш махсулотлари ишлаб чиқарилиб, шундан 11,2 триллион сўмлик махсулотлар “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси корхоналари ҳиссасига тўғри келган. Яқинда АОКАда ўтказилган “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси мутасаддилари иштирокидаги матбуот анжуманида мамлакатимизнинг ўтган йилги қурилиш материаллари соҳаси сарҳисоб этилди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ НИМАЛАРГА ЭРИШИДИ?

Қурилиш материаллари соҳасида 2022 йилда қиймати 71,2 миллион долларлик 12 та лойиҳа ишга туширилди, натижада 952 та янги иш ўрни ташкил этилди. Соҳа бўйича ўтган йили импорт ҳажми 593,6 миллион долларни ташкил этди. 1,8 миллиард долларлик, шу жумладан, 1,08 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан, Уюшма бўйича Инвестиция дастурига асосан 30 та лойиҳа доирасида 173 миллион долларлик маблағлар, шу жумладан, 90,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Жумладан, 850 минг куб метр газобетон, 12 миллион квадрат метр гипсокартон, 20 минг тонна базальт ва чакки тоши, 2 минг тонна гипс ва қуруқ аралашмалар, 300 тонна бурама миҳ, 20 минг куб метр темир-бетон буюмлари, 1,0 минг тонна сантехника жиҳозлари, 1,2 минг тонна пенополистрол махсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Хусусан, Сирдарё вилоятида “Евразия газобетон” МЧЖ томонидан жами қиймати 19,5 миллион доллар ҳисобига йиллик қуввати 400 минг куб метр газобетон ишлаб чиқариш лойиҳасининг реализацияси натижасида 100 та янги ўрни яратилди. Шунингдек, Тошкент вилоятида “Akfa building materials” МЧЖ томонидан ҳам 27,8 миллион доллар инвестиция ҳисобига йиллик қуввати 450 минг куб метр бўлган газобетон блоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 100 та янги иш ўрни яратилди. Бухоро вилоятида “Қончи” МЧЖ томонидан эса 7,9 миллион доллар ҳисобига йиллик қуввати 12,0 миллион квадрат метр бўлган гипсокартон листлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди.

АНОМАЛ СОВУҚ СОҲАГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗДИ

Шубҳасиз, бу йилги аномал об-ҳаво шароити ўлкамизда яқин йиллар ичида кузатилмаган эди. Шу кунга қадар, 31,5 триллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши тахмин қилинган бўлса, газ ва электр энергияси таъминотидаги узиллишлар сабаб қарийб 1 триллион сўм атрофидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши яқинида етмай қолди. Бу ўз навбатида, махсулотлар экспортининг камайиб, импортнинг орттишига катта таъсир ўтказди. Келажақда бўлиши мумкин бўлган бу каби муаммоларнинг олдини олиш мақсадига уюшма томонидан бир қанча ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, цемент ишлаб чиқариш жараёнларини босқичма-босқич кўмирдан фойдаланишга ўтказиш асосий вазифалардан бири бўлмоқда. Ҳозирда кўмирдан фойдаланган ҳолда цемент ишлаб чиқарилган корхоналарнинг соҳадаги улуши ўртача 40 фоизни ташкил этади. Кейинги йиллардан эътиборан корхоналарни модернизациялаш орқали жорий рақамни кенгайтириш кўзда тутилган.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўтган ҳисобот даврида цемент ишлаб чиқариш ҳажми соҳа бўйича 14,6 миллион тоннани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 102,9 фоизга ўсган. Шунингдек, ўтган йилда 35 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, 36 миллион квадрат метр керамик плитка, 69 миллион квадрат метр гипсокартон плиталари, 2,85 миллион метр куб газобетон блоклари ишлаб чиқарилган.

– Маҳаллийлаштириш дастури доирасида еса 1,4 триллион сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 152,0 фоизга ошган, – деди “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарма бошлиғи Қосим Муҳаммадиев. – Экспорт ҳажми ҳисобот даврида 608,0 миллион долларни ташкил қилган. Жумладан, 81,9 миллион АҚШ долларини ПВХ профил, труба ва пластмасса махсулотлари, 91,8 миллион долларлик керамика махсулотлари, 40,3 миллион АҚШ долларлик алюмин профил ва алюминдан ясалган махсулотлар, 38,4 миллион АҚШ долларлик обой ва бошқа қоғоз махсулотлари экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган ҳисобот даврида қурилиш материаллари экспорти географияси аъънавий ҳисобланган бозорлар, яъни Қозоғистон, Россия Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби давлатлардан ташқари, Таиланд, Бельгия, Фиджи, Исроил, Испания, Франция, Хорватия, Беларусь, Ироқ, Бразилия давлатлари ҳисобига кенгайтирилди.

2023 ЙИЛДА ҚАНДАЙ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШИРИЛАДИ?

Ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда қурилиш материаллари соҳасида жами 35,3 триллион сўмлик махсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш 115 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Жумладан, жорий йилда 16,6 миллион тонна цемент, 38 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси, 76,0 миллион квадрат метр гипсокартон, 39 миллион квадрат метр керамик плитка, 3,2 миллион ўран обой каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2023–2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, умумий қиймати 717,8 миллион АҚШ доллари бўлган 21 та лойиҳа бўйича 2023 йилда жами 193,9 миллион АҚШ доллари, шундан 97,6 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштириш белгиланган.

2023 йил якунига қадар Инвестиция дастурига асосан 9 та лойиҳани ишга тушириш ва 860 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида “Ориент Керамик” МЧЖда йилга 9 миллион квадрат метр керамик плиталар ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Навоий вилоятида “Petrawool” МЧЖ ҚҚда қиймати 6,2 миллион АҚШ долларлик бўлган базальтдан минерал плиталар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Шунингдек, Қўнрай туманида “Nodir kafellari” МЧЖда 17,0 миллион АҚШ доллари ҳисобига йилга 3,5 миллион квадрат метр керамик плитка ва керамогранит ишлаб чиқариш, Самарқанд туманида “Кауитов stroy invest” МЧЖда 11,8 миллион АҚШ доллари ҳисобига йилга 200 минг куб метр газобетон ишлаб чиқариш, Янгиҳаёт туманида “Огнеупор” МЧЖда 10,0 миллион доллар инвестиция ҳисобига йилга 40 минг тонна оловбардош гиштлари ишлаб чиқариш, Қувасой шаҳрида “Қувасойцемент” АЖда эса 12,0 миллион АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига цемент ишлаб чиқариш технология линиясини ташкил этиш ва модернизация қилиш лойиҳалари амалга оширилади.

Мамлакатимизда изчил ўсиб бораётган қурилиш материаллари соҳаси бугун ўзининг сифати билан дунё экспорт майдонида ўз ўрнини топиб борапти. Бу амалда соҳага йўналтирилган ислохотларнинг меваси бўлмоқда. Матбуот анжуманида мутахассислар йиғилганларга миллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг ўтган даврлардаги ютуқлари ва келажақ истиқболлари тўғрисида маълумотлар берди.

Назорат тадбири ўтказилди

Сарвар БОБОНАЗАРОВ, Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.

Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари томонидан навбатдаги назорат тадбирлари Самарқанд шаҳридаги 59-сонли кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернатида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳрида “Chinor Building” МЧЖ томонидан 59-сонли кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернати реконструкция қилинмоқда.

Назорат тадбирлари давомида қуйидаги камчиликлар аниқланди:
– ишчилар техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаган ҳолда (махсус кийим-бошларсиз) ишланмоқда;
– объект қурилиш ва маиший чиқиндилардан тозаланмаган;
– бионинг ховли йўлагида лойиҳага кўра махсус оғохлантирувчи плиталар терилиши қўрсатилган бўлса-да, жойида оддий плиталардан фойдаланилган;
– лойиҳа ички пардозлаш ишларида деворларга сувоқ қилиниши қўрсатилган ҳамда ижобий экспертиза ҳулосаси олинган. Бироқ жойида гипсокартонлар сифатсиз ҳолатда деворга бириктирилган;
– металл қувурлар чириш (коррозия)га қарши изоляция қилинмаган;
– афка деразраларни ёни ва остки қисмлари махсус пена билан тўлик тўлдирилмаган;
– иситиш тизими трубалари лойиҳада ПН



25 қўрсатилган бўлсада жойида ПН 20 трубалари ўрнатилган;
– том ёпиш ишларида ёғоч конструкциялар ўлчамлари лойиҳадан четлашган ҳолда ҳар хил ўлчамларда сифатсиз бажарилган.
Аниқланган камчиликлар Самарқанд вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари томонидан назоратта олиниб, мазкур қурилиш-пуарат ташкилот масъулларига ёзма қўрсатмалар берилди.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

**Февраль ойининг илк кунларида
таваллуд айёмларини нишонлаётган**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК кадрлар бўлими бош мутахассиси **Дилорон Шанағдиева**, бухгалтерия бўлими бош мутахассиси **Адхам Астанов**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Смета ишлари бўлим бошлиғи **Барно Абдуллаева**, Режалаш ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи **Инна Лабутина**,

Жиззах вилояти, Зарбдор тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Нурсултон Яхшилов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани қурилиш бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Шарапатдин Бердимбетов**, Шуманай тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектори **Ажинияз Жанабаев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи **Нажиматдин Омаров**,

Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси ҳайдовчиси **Маҳмуд Курбонов**, Навоий шаҳар қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Жаҳонгир Савриддинов**, Нурота тумани қурилиш бўлими мутахассис-архитектори **Барот Асонов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш бош бошқармаси ижро интизоми бўлими бошлиғи **Азизжон Муратов**, Мирзаобод тумани қурилиш бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектори **Шаҳзод Бегматов**, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сирдарё вилояти филиали бош ҳисобчиси **Умиджон Ҳўжамқулов**, ҳайдовчи **Ўктам Умаров**,

Тошкент вилояти Қурилиш бош бошқармаси Ер муносабатларини тартибга солиш ва шаҳарсозлик ҳулосаларини тайёрлаш бўлими бошлиғи **Ойбек Хатамов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Жамшид Сафаров**, Хоразм вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази бўлим бошлиғи **Нигора Болтаева**, ҳайдовчи **Бердах Уразимбетов**ларни таваллуд қилиши билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Козим ТУЛЯГАНОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Йилнинг боши ҳар бир ташкилот учун сарҳисоб палласи ҳисобланади. Ўз навбатида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар ҳам белгиланади.

Шу жумладан, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан 2022 йилда ҳам бир қатор вазифалар амалга оширилди. Хусусан, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан 2022 йилда жами 32 531 та объект рўйхатдан ўтган бўлиб, уларда 113 321 мартаба назорат ишлари амалга оширилган. Объектларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган 96 366 та ёзма кўрсатмалар берилган. Шундан, 87 666 та ёзма кўрсатма (90,7 фоиз) бартараф этилган. Мазкур объектларда Бош режаларнинг бузилиш ҳолатлари сони 807 тани ташкил этган. "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 99-моддиси бўйича жами 6 116 та мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида қурилиш-монтаж ишларини тўхтатишлар 1221 тани ташкил этиб, 433 та объекта бузириш ишлари олиб борилган. Жумладан, инспекциялар томонидан 49 та ҳолатда қурилиш учун ер ажратишда ҳокимларнинг қарорларини бекор қилиш бўйича, қурилиш иштирокчилари томонидан муаллифлик ва техник назоратини бузганлиги учун лицензиялар ва рўқсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш бўйича жами 874 та ҳолат, 396 та қурилиш объектларига сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлиги учун тегишли орган ҳамда ташкилотларга тақдирнома-лар киритилган. Бугунги кунда 32 531 та рўйхатдан ўтган объектлардан 9 714 тасида (30,4 фоиз) қурилиш-монтаж ишлари аяқланиб, фойдаланишга топширилган.

Бу рақамлар шунчаки ҳисобот учун эмас, балки келгусидаги фаолиятимишда улардан тўғри хулоса чиқариб, шунга кўра иш олиб боришимиз лозим. Қолаверса, фуқароларнинг ҳар бир мурожаатида ҳам жон бор. Бу борада масъулиятсизлик қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳар бир қурилайтган объект учун барчамиз бирдек жавоб беришимизни унутмаслигимиз керак. Хатолардан тегишли хулоса чиқариб, уларни тақрирлаш учун янада масъулият билан ёнадашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Шунингдек, ўтган йилда соҳада коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Улардан бири, қурилиш объектларидаги мониторинг жараёнини эндиликда инспекция томонидан "Қурилишда давлат назорати" миллий ахборот тизими доирасида онлайн режимда амалга оширилмоқда. Бу эса текширишлар жараёнининг янада сифатли бўлишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларга ҳам тўхталлишимиз лозим. Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бино-иншоотларни лойihalаштириш ҳамда ишга туширишда иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг қамиди 25 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган кўёш сув иситиш қу-

рилмалари орқали қопланиши талаб этилиши белгиланган. Эндиликда янги объектларда бундай қурилмаларнинг ўрнатилиши юзасидан назорат ишларини тўғри ташкил қилиш лозим.

Бажарилган ишлар ва келгусидаги режалардан ташқари, олдимизда яна бир муҳим масала муҳокамаси турибди. Булар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-269-сонли Фармони, "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-447 сонли қарори ва 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-14 сонли Фармони қабул қилинишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сонли Фармонида мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг таркибий тузилмаларидан мустақил равишда Бош вазир билан тўғридан-тўғри ишлаш тизими жорий этилди. Ҳуқумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари тегишли соҳада ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва уни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун масул ва жавобгар ҳисобланиши, шунингдек, тизимдаги кадрлар сиёсатини мустақил равишда давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юритиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда Ҳуқумат ваколатларига оид бошқа долзарб масалаларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш, қўриб чиқиш ва ахборот беришнинг янги тартиби жорий қилиниб, республика ижро этувчи ҳокимият органлари (вазирлик, қўмида, агентлик, инспекция) мақоми, фаолият йўналиши ва ваколатлари белгилаб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг янгилашган ижро этувчи тузилмаси, қайта ташкил этилаётган республика давлат бошқаруви органлари рўйхати, вазифа ва функциялари тегишли вазирлик (идоралар)га ўтказган ҳолда тугатилаётган республика давлат бошқаруви органлари рўйхати ҳамда ташкилий бўйсунуви ўзгарётган республика давлат бошқаруви органлари рўйхати тасдиқланди.

Қурилиш вазирлиги ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги негизда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташкил этилиб, Вазирлар Маҳкамаси тизимига киритилди. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп қонандоли уй-жой фондидан фойдаланишда назорат қилиш инспекцияси ва Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси негизда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг институционал мустақиллигини ошириш мақсадида, уларнинг ташкилий тузилмаси, штат бирликлари, раҳбар ўринбосарлари сони ва фаолият йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилиши, шунингдек, ажратилган маблағлар доирасида ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш ҳуқуқи мазкур органлар раҳбарларига тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПК-447 сонли қарорига мувофиқ, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари масъулиятини ошириш мақсадида республика ва маҳаллий даражадаги бўғинларнинг функционал чегараси белгиланди. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида ҳўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши таққиланди.

Барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг функциялари хатловдан ўтказилиб, тақрирланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган ва амалга ошириш механизми билан таъминланмаган функциялар аниқланганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг функциялари очик реестрини шакллантириш ва уни доимий юритиш амалиёти йўлга қўйилди. Давлат бошқарувида очиклик даражасини янада ошириш, рақамли технологияларни жорий этиш, рақамлашган бошқаруш моделига ўтиш мақсадида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни "e-raqoq" электрон тизими орқали қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Назорат тадбирларини ўтказишнинг муқобил шакллари жорий этилиши ва уларда жамоатчилик вакилларининг иштирокини таъминлайдиган тизимни йўлга қўйиш орқали барча назорат тадбирлари ва объектлари ҳақидаги маълумотларнинг очиклигини таъминлаш вазифаси юклатилди. Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида амалга оширилаётган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича "йўл харитаси" тасдиқланиб, унда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масул ижрочи бўлган давлат органларининг биринчи раҳбарларига шахсий масъулият юклатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сонли Фармони билан, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жами бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони тасдиқланди, бунда Вазирликнинг



штат бирликлари 1 281 та (давлат бюджети - 1 273 та; бюджетдан ташқари жамғарма - 8 та) ва вазир ўринбосарлари сони 4 та ҳамда Инспекциянинг штат бирликлари 656 та (давлат бюджети - 134 та; бюджетдан ташқари жамғарма - 522 та) ва бошлиқ ўринбосарлари сони 3 та этиб белгиланган. Вазирлик тизимида жами 30 фоиз штат бирликлари қисқартирилиб, вазирлик (идоралар) раҳбарлари, зарурий ҳолларда, белгиланган бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони доирасида тегишли тизим ташкилотларининг тузилмаларига ўзгартриш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тасдиқланган вазирлик ва идораларнинг марказий аппаратлари, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг тузилмалари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати бошқарма (бўлим)лари бошлиқлари, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари раҳбарлари иш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда Президент ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини, шунингдек, иш юритиш тартиби-таомилларини уларга мувофиқлаштирилиши таъминлаш белгиланди. Вазир ўринбосарлари тасдиқланган тузилма ва вазифалар тақсимотида мувофиқ ўзларига бириктирилган ва масул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари бўйича ишларни тизимли ва самарали ташкил этиш, шунингдек, тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича фаолият самардорлигини ошириш, вакант ўринларни малакали, чуқур назарий билмалар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, ўз вазифаларини самарали ва масъулият билан бажарадиган салоҳиятли кадрлар билан бутлаш чораларини қўришлари лозим.

Комиссия белгиланган тартибда ҳодимларни ишдан бўшатил ва лавозимга қайта тайинлаш масалалари бўйича асосланган тақлифларни тайёрлаб, қўриб чиқиш учун киритилишини, меҳнат шартлари ўзгартирилган ҳодимларга оғохлантириш хатлари берилишини таъминлаш белгилаб берилди. Инсон ресурслари билан ишлаш бўлими ва Ҳуқуқий таъминот бўлими вазир ўринбосарлари ва вазир маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда, Президент ҳужжатлари билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташкил этилиши ва бошқарув ҳодимларининг чекланган сони белгилашни ҳамда ушбу буйруқ билан вазирлик марказий аппаратининг тузилмаси тасдиқланиши муносабати билан, белгиланган тартибда тегишли таъсис ҳуж-

жатларининг тасдиқланишини ва рўйхатдан ўтказилишини, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари низомлари ва лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун киритилишини таъминлаш белгиланган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида назорат қилиш инспекцияси Президент ҳужжатларига мувофиқ Инспекциянинг ташкил этилиши ҳамда ушбу буйруқ билан унинг марказий аппарати ва ҳудудий инспекцияларининг тузилмаси тасдиқланиши муносабати билан, белгиланган тартибда тегишли таъсис ҳужжатлари ва штатлар жадалининг тасдиқланишини ҳамда рўйхатдан ўтказилишини, мазкур буйруқнинг 4а, 4б-иловаларига мувофиқ тасдиқланган тузилмалар асосида Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг ишини самарали ташкил этилиши, шунингдек, йўналиш бўйича фаолият самардорлиги оширилишини, ҳодимларни ишдан бўшатил ва лавозимга қайта тайинлаш масалаларининг ҳал этилишини, меҳнат шартлари ўзгартирилган ҳодимларга оғохлантириш хатлари берилишини, вакант ўринларни малакали, чуқур назарий билмалар ва амалий кўникмаларга эга бўлган, ўз вазифаларини самарали ва масъулият билан бажарадиган салоҳиятли кадрлар билан бутланишини белгилаб берди. Ўзлари аввал қабул қилган буйруқ ва бошқа идоравий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, уларни Президент ҳужжатларига ва ушбу буйруққа мувофиқлаштириш, шунингдек, айримларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳамда базилларининг ўз кучини йўқотган деб топиш чораларининг қўрилиши белгилаб қўйилди.

Вазирлик тасарруфидоги ва муассислигидаги ташкилотлар (институтлар, марказлар, давлат унитар корхоналари ва б.) белгиланган тартибда ўзларининг таъсис ҳужжатлари, Низом (устав)лари, буйруқлари ва идоравий ҳужжатларини Президент ҳужжатларига мувофиқлаштириш, шунингдек, фаолиятларини шу асосда амалга ошириш чораларини қўриш кайд этилди. Вазир ўринбосарлари, вазир маслаҳатчиси, бошқарма (бўлим)лар бошлиқлари ва тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда Президент ҳужжатлари талаблари ва Президент Администрацияси топшириқларига мувофиқ Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда тизим ташкилотлари фаолият самардорлигини ошириш, шунингдек, соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва трансформация қилиш масалалари юзасидан тегишли қарор лойиҳаси ва "йўл харитаси" ишлаб чиқиш, қўриб чиқиш учун Раҳбариятга киритиши белгилаб қўйилди.

Правительство Республики Узбекистан

получило финансирование от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается направить часть вырученных средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на выполнение проектно-исследовательских работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по следующим объектам:

Номер пакета	Наименование объекта	Расчетная стоимость услуг
MOEI-RIDP-DJI-CS-69	Реконструкция водоснабжения кишлаков Жалоир, Урта, Кутчи и Болғали МСГ "Чорвадор" Зааминского района Джизакской области.	76 700 000 сум без НДС

Инжиниринговая компания "Служба единого заказчика" при Джизакском областном хокимияте (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые (однопакетные) предложения по выполнению проектно-исследовательских работ, разработки рабочего проекта и авторского надзора по вышеназванным объектам.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию и тендерную документацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Джизакской области до 14 февраля 2023 г.

Предложения должны быть представлены в Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по следующему адресу: Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж) не позднее 16.00 13 февраля 2023 г.

Подача предложений:

а) заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

б) крайний срок подачи заявок - 14.02.2023 года, 16.00;

с) адрес для подачи заявок: Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве, Джизакская обл., г. Джизак, ул. Ш. Рашидова, дом, 1 (здание Главного управления строительства, 1-этаж).

Тел.: 72-771-64-32.

Факс: 72-771-64-31.

E-mail: jiztender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: Шухрат Уралов.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Очиқ танлов савдоларига "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 27 октябрдаги 298-сонли бюрт-маномасига асосан, қурилиш режалаштирилаётган "савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқини "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2022 йилдаги 88 (13545)-сонида ҳамда "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг 2022 йил 18 ноябрдаги 93-94 (646-647)-сонларида танлов савдоси ўтказиш бўйича эълонлар берилган бўлиб, "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг эълонда кўрсатилган 1-, 2-, 3-қаторлардаги бошланғич баҳоси ўзгаргани ҳамда эълонда кўрсатилган бошқа савдо шохобчалари бўйича маълумотлар савдо кунлари ўз кучида қолганини маълум қиламиз. Асос: "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖнинг 2022 йил 2 декабрдаги 322-сонли хати.

1. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони - 4 дона, савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони - 255,0 квадрат метрдан иборат савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 1 030 200 000 сум.

2. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони - 3 дона, савдо шохобчалари ҳар бирининг майдони - 350,0 квадрат метрдан иборат савдо шохобчалари ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 1 414 000 000 сум.

3. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони - 1 дона, савдо шохобчаларининг майдони - 290,0 квадрат метрдан иборат савдо шохобчаларининг бошланғич баҳоси - 1 171 600 000 сум.

4. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони - 1 дона, савдо шохобчаларининг майдони - 29,5 квадрат метрдан иборат савдо шохобчаларининг бошланғич баҳоси - 41 713 000 сум.

5. "Чилонзор буюм савдо комплекси" АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг сони - 1 дона, савдо шохобча-

сининг майдони - 13,0 квадрат метрдан иборат савдо шохобчаларининг бошланғич баҳоси - 60 400 000 сум.

Савдода иштирок этиш истиғини бидирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилинадиган охири муддати: 2023 йил 14 февраль кун соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 16 февраль кун соат 11.00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифи берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунчи бўлиб ўтмаган тақдирда, тақририй савдолар 2023 йил 2, 16, 30 март кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгор ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этишади:

юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилган тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

жисмоний шахслар - СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида "Ko'chmas mulk xizmatlarini ko'rsatish jamiyati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 5053 3172 3021 ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 308 112 732.

Таклифи маълум топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилади-ган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 33-уй.

Телефон: 97-340-22-69.

Ўз касбини севган инсон қийинчиликдан қўрқмайди

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўша тунда... Бир сутка давомида уйимизда электр токи узилиб қолди. Кўпга келган тўй, ҳаммининг аҳволи ўзига маълум. Совуқ бўлса-да, ўз уйимизда қолишни афзал билдик. Кўчадан овқатланиб келдигу, қалин кўрпаларга буркандик. Ўзим майли, аммо уч гўдагимни тонггача қандай иситишни ўйлаб, кўзимга уйқу келмади. Ҳар дақиқа чироқ ёнишидан умид қилиб, зўрға тонг орттирдик... Эртасига ёнган чироқ нафақат уйимиз, балки кўнглимизни ҳам қароғон қилди.

МАДИНАНИНГ ҲИКОЯСИ

Тун бўйи ухламаганим, бунинг устига изирин, камига сирпанчикда шобиб-пишиб ишхонага кетяман. Ҳар ҳолда, уйимдан кура иссиқроқ. Йўл юзида ўнга яқин аёлларнинг домлар олдидаги музларни кўпараетганига кўзим тушди. Юз-қўллари совуқдан қизариб кетган. "Буларга ҳам қийин бўлса керак, акс ҳолда шу совуқда ишларини" дейман ичимда. Барибир, қизқиш устун келди.



– Исмингиз нима? – дея улардан бирини саволга тутдим.

– Мадина, – деб жавоб берган аёлнинг юзига қараб, норозилик аломатини эмас, аксинча ҳаётдан миннатдор нигоҳларига дуч келиб, ҳайратландим.

– Кун сал илиганда тозаласангиз ҳам бўладику ёки раҳбарингиз шунчалик қаттиққўлими?

– Одамлар эрталабдан ўқишга, ишга шошади. Улар кўчага чиққунга қадар қор-муздан тозалаб қўйсақ, яхшида. Раҳбаримиз эса, керак бўлса биз билан тенгма-тенг тозалашдан ҳам қочмайди. Аслида бу ғайрат-шижоатни раҳбаримиздан ўрганганим.

Шу тобда бир кунгина чироқсиз тонг оттирганам учун туни билан нолиб чиққанидан уялдим. Одамлар иссиқ ўрнидан кимирлагиси келмай ётган пайтада кимнингдир онаси, кимнингдир аёли ёки кимнингдир азиз фарзанди бўлган бу аёллар уларнинг бежавотир юрishi учун тонг саҳардан жон куйдириб ишлаши оддий гап эмас, аслида.

Мадина Эгамбердиева олти нафар фарзанднинг онаси бўлиб, Янгийўл шаҳрида яшаса-да, салкам ўн йилдан бунди Чилонзор туманига қатнаб, фаррош-супурувчи вазифасида ишлаб келмоқда.

– Бу ишга қандай келиб қолгансиз, бошқа касбни танласангиз ҳам бўлардику...

– Онам ҳам фаррош бўлган, ўзи ишлаган жойга мени олиб келган, – деди Мадина. – Оилада ўн кишимиз, асосан, деҳқончилик билан кун кўра-миз. Маҳалладаги "Темир дафтар" рўйхатида турамыз. Ишонасизми, мен ҳеч қачон фаррошлик қилишимдан уялмаганман. Шу касбимни энг зўр ишларга ҳам алмашмайман. Оддий тозаловчи бўлса, ишини шунчалик севадими деб ўйлашингиз мумкин. Буни кўпчилик ҳатто ўзимга ҳам айтган. Ёшисиз, чакконсиз, бундан яхшироқ, ойлиги кўпроқ жойларда бемалол ишласангиз бўлади деб ишга таклиф қилганлар ҳам топилди. Аммо мен ишимдан асло воқеамайман. Чунки касбимни, ишхонамни, ҳамкасбларимни ҳудди оила аъзоларимдек яхши кўраман. Қолаверса, раҳбаримизнинг ҳам бунда катта ҳиссаси бор. У кишидан кўрган меҳр-оқибат ва яхшиликни бир умр унутмайман. Ҳеч кўрганмисиз, бирорта раҳбарнинг оддий кўча супурувчига ўз уйдан жон, ош-нон ёки ҳар кунги текин тушлик берганини? Турмуш ўртоғининг пенсиясидан ишчиларига йўлқира берганини-чи? Бундай жойда кимнинг ишлагиси келмайди?

Мадинанинг айтишича, у ишлаётган компания раҳбари ходимларига жуда меҳрибон, доимо моддий-маънавий ёрдамини аямайди, ҳар байрамда болаларига совға-саломни қанда қилмайди. Илгари "дворник"лар подвалларда кийимини алмаштириб, ўша ерда уйдан олиб келган нарсалар билан амал-тақал тушлик қилган бўлса, булар учун опанинг эшиги доимо очик экан.

– Ҳар биримизга учтадан дом бириктирилган, – деди у. – Ўзим тозалайдиган учта домда нечта хонадон бўлса, у ерда яшовчиларнинг ҳаммасини танийман. Ҳар кунги салом-алик қиламиз. Баъзилари совуқ кунлари "Бир пас исиниб олинг ёки бир пиёла чой ичинг" деб уйига қақириб туришади. Ҳаттоки, кўлимдаги белкуртки олиб, "Сиз бир пас дам олинг" деб ёрдам берганлар ҳам бўлди. Инсон учун бир оғиз ширин сўз катта куч бағишлаганини, уни янада яхшироқ ишлашга ундашини шундай паллада кўпроқ ҳис қилганам. Аммо одамлар ҳар хил. Баъзан, чанқаб кетиб, деразадан қараб турганларга "Олажон, бир пиёла сув беринг, илтимос" деганида "Идишим йўқ" деб шарт бурилиб кетворганларни ҳам кўрамыз. Худдики, улар учун биз каби оддий ишчилар билан битта идишдан сув ичиш мумкин эмасдек... Ахир, меҳнатнинг айби борми?

Аслида Мадинани гулдай хунари бор. У моҳир чевар. Ҳозир нима кўп, ҳар хил ишлаб чиқариш шехлари кўп. Чеварлик қилиб, ҳозирги ойларида икки-уч баробар кўпроқ пул топа олади. Аммо унинг айтишича, гап фақат пулда эмас, инсонийлик ва меҳр-оқибатда. Баъзи сабабларга кўра, компания ҳисоб рақами музлатиб қўйилганда ҳам ишчилар неча оилаб ойлқисиз ишлаган, аммо ҳеч бири бу дарғоҳдан кетиб қолмаган. Ушунда ҳам 20 нафар тозаловчи ҳар кунги доимгидек ишга келаверган. Раҳбар эса, ҳисобига қанча пул тушса, энг аввало, "дворник"ларга тақсимлаб берган.

– Биз тозаловчилар бир нарсани хоҳлаймиз ҳолос, – деди Мадина суҳбатимиз давомида. – Бизга фақат меҳр-этибор ва ширин сўз керак. Меҳнатимизни қадрига етишса бўлди. Яқиндаги совуқда қор кураб, музлаб қолай деган пайтларимиз ана шундай яхши инсонларнинг меҳри бизни иситди. Бир пиёла қайноқ чой тафти туфайли қариндошдек қадрдонга айландик. Бизга ғамхўрлик қилган, бир оғиз раҳмат айтган кишилар сабаб чеккан заҳматларимиз, бор чарчоғимиз унутилди. Улар биздан рози бўлса, қилаётган ишларимиздан кўнгли тўлса, янада кўпроқ ва яхшироқ ишлагимиз келаверади...

ТЕМУРНИНГ ҲИКОЯСИ

Мадина ва унинг дугоналари билан хайрлашар эканман, биз томонга бир йигитнинг шошилиб келаётганига кўзим тушди. Эгнидаги либосидан унинг электромонтёр эканлигини билдим.

– Темур – бизнинг ҳақиқий қаҳрамонимиз, – дея хурсандчилик билан қарши олишди фаррош аёллар. Бу таъриф мени ҳам эътиборсиз қолдирмади, албатта. Темур билан суҳбатлашиб, аёзли кунлардаги талафотларни қандай бартараф қилгани билан қизиқдим. Чилонзор туманидаги Радиотехника коллежини тамомлаган Темур Муратов 25 ёшда бўлишига қарамай, электр энергияси соҳасида анчагина тажриба орттириб улгурган малакали электр монтёрлардан бири экан. 2013 йилдан буён шу компанияда ишлаб келаётган бу йигит барчамиз гувоҳ бўлган аёзли кунларда энг кўп ва энг мураккаб ишларни бажариб, жамоанинг фахрига, қаҳрамонига айлангани.

– Болалигимдан монтёрлик касбига қизиққанман, – деди Темур биз билан суҳбатда. – 10 ёшимда уйдаги барча темир-техникани бемалол тузата олардим. Шу соҳага қизиқганим учун ўрганиш осон бўлган, деб ўйлайман. Кейинроқ кўни-кўшнларнинг бузилган буюмларини ҳам бемалол тузатиб берадиган бўлдим. Ёши каттароқ устозим бўларди, мураккаброқ ёки тушунмаган ишларни у кишидан сўраб ўрганганман. Менимча, ким бирор соҳага астойдил қизиқса ва ўша касбни сева, унинг учун ҳамма нарса осон туюлади ҳамда тезда ўрганади.

– Қийин вазиятларда, масалан, кечагидек совуқларда бу соҳани танлаганингиздан афсусландингизми?

– Ҳеч қачон бундай фикр бўлмаган. Ҳатто бир гап иш жараёнида озим ёниб кетган. Икки ойча ишга чиқолмадим. Аммо касбимни ўзгартириш ҳақида ўйламаганман. Бу компанияга 2013 йилда келганман. Аввалига шунчаки ёрдам бериб, иш ўрганиб юрдим. Жамоамиз жуда ахил, доимо бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Раҳбаримиз эса худди онамиздек меҳрибон, эътиборли. Ўша совуқ кунлари ҳам аёл боши билан биз билан куну тун бирга юриб, бирга ишлади. Тўғри, илгари ҳам бундай совуқ бўлган, аммо унда газ ўчиб қолмаган ёки иссиқлик тизмини ишдан чиқмаган. Ҳамма нарса бирданга ўчиб қолган вазиятга биринчи марта дуч келдик. Даярли 10 кун давомида кечаю кундуз ишлашга тўғри келди.

Ўн кунлаб уйимизга бормадик. Ота-онамиздан ҳам телефонда ҳол сўраб турдик. Қиш, совуқ, қоронғи. Газ ҳам, чироқ ҳам, иссиқлик тизими ҳам йўқ. Уйқусираб, чарчаб ишлашга тўғри келди. Бир суткалаб битта жойни тузатган пайтларимиз бўлди. Қанчалик қийин бўлмасин, одамларга қулайлик яратиш учун тинмадик. Ахир, ҳар бир хонадонда кексалар, ёш болалар ва чақалоқлар бор. Юзлаб аҳоли чироқдан умид қилиб турган паллада қўлимиздан келган ишни қилмасак, кўзимизга қандай уйқу келарди?

Чироқсиз қолиш азобини бошимдан ўтказганим учун бундай вазиятда ҳамма электрликлардан нажот қутишни яхши биламан. Гарчи Темур ўша пайтдаги аҳволни бугун менга оддийгина ҳикоя қилиб бераётган бўлса-да, у ва унинг ҳамкасбларига осон бўлмаганини ҳис қилиш қийин эмасди. Бу йигитни энг мураккаб дамларда юзлаб, минглаб қалбаларга ёруғлик олиб кира олган нажоткор, десак арзийди.

– Бу ўн кунни бир умр унутмасак керак, – дея ҳикоясини давом эттирди Темур. – Кечаси билан ишлаш, кундузи атиги икки соат мизгиб олиш, яна уйга бормасдан машинада ётиб юриш одамни ҳар томонлама чарчатар экан. Совуқ жон-жонимиздан ўтиб кетганда беш дақиқа машинада исиниб олардик. Ҳаттоки, вақтимиз зиклигидан йўл-йўлакай овқатланишга тўғри келди. Бир кўлимда рўлни бошқариб, бир кўлимда егулик билан кейинги объектга етиб борган пайтларимизни ҳисласам, ҳозир ўзимга ҳам қизиқ туюляпти. Энг қизиғи нималигини биласизми, ярим тунда, изгиринда ишлашга мени ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Ҳаттоки раҳбарим ҳам иш вақтидан ташқари, бирор умр кўлишига ундамаган. Аммо, қийналиб турган одамларга имконингиз бўла туриб ёрдам бермаслик, вижонсизлик бўларди деб ўйлайман. Уйларидан мен туфайли чироқ ёнган аҳолининг қувончи, дуолари, ҳурмати, раҳмати касбимга бўлган меҳримни янада оширади...

Темурнинг айтишича, бу касбда симни-симга улаш билангина иш битмайди. Бу ишда имкон қадар хато қилмаслик керак. Темур ва унинг ҳамкасблари синовли кунларни сабр ва матонат билан енгиб, халқнинг оқишига сазовор бўлган бугунги куннинг ҳақиқий қаҳрамонлардир.



МОҲИРА ОПА ҲИКОЯСИ

– Темур, югур. Нариги домдаги асосий шитда узилиш бўлганга ўхшайди. Нимадир керак бўлса хабар берасан.

Бу чорловдан мен ҳам суҳбатни тамомлаш вақти келганини англадим. Аммо нимадир мени кетишимга тўқиллик қилаётгандек эди. Топдим, ахир, ходимларни тилидан бол томиб мақтаган, худди ўз онасидек кўрадиган ўша сеvimли раҳбарни кўрмасдан кетиш мумкинми? Қолаверса, улар ишлайдиган компания фаолияти ҳам қизиқ. Пештоқиқага "Moxi-Nur-Komptunal" деб ёзиб қўйилган бинога кира-вершида ишчилар билан турган бир аёлдан "Моҳира опа керак эди" деб сўрадим.

– Нима хизмат синглим, Моҳира опангиз мен бўламан, – деди ҳалиги аёл.

Ишчилари таърифлагандек, Моҳира опа кабинетига ўтириб ишлайдиган раҳбарларга асло ўхшамас экан. Совуқни совуқ, тунни тун демей ишчи-ходимлари билан тенгма-тенг ишлаётган опанинг юз-кўзида акс этган ғайрат-шижоатни бир қараша сезиш қийин эмасди.

Моҳира Нуралиева раҳбарлигида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фаолият юритаётган "Moxi-Nur-Komptunal" бошқарув сервис ташкилоти 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда "Хирмон тепа", "Катта Хирмон тепа", "Шухрат" МФИ ҳудудига жойлашган 70 та кўп квартиралы уй-жойларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан, 58 таси 4 қаватли, 8 таси 5 қаватли, 4 таси 9 қаватли уйлар. Хонадонлар сонини 4570 та ва йўлақлар 386 тани ташкил этмоқда. Моҳира опа бошчилигидаги 44 нафар ишчи-ҳодимлар аҳолига бир неча турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда. Бошқарув ташкилоти "Менинг уйим" биллинг тизмига уланган. Авария-диспетчерлик хизматиде 3 нафар ходим фаолият олиб бормоқда. Айна пайтда компания учун алоҳида бино қуриш бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда.

2023 йил юртимизга кириб келган аномал совуқ туфайли бизда ҳам баъзи муаммолар юзага келди, – дея суҳбатга киришди Моҳира опа. – Анча қийин вазиятларни бошдан кечирдик, раҳмат ҳам, заҳмат ҳам бизга бўлди. Келгусида шундай муаммолар такрорланмаслиги учун муаммолы уйлардаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Йўл харитаси" шакллантирдик. Ҳозирда, шу харитадаги камчиликларни навбат билан бартараф этиш мақсадида иш олиб бораёلمиз. Яқин орадаги режаларимиздан бири сифатида йўлақларда ҳаракатни сезувчи чироқлар ўрнатишни айтшим мумкин.

Дарҳақиқат, бошқарув сервис компаниялари юртимизга анча олдин кириб келганига қарамай, ширкат билан компаниянинг қандай фарқи борлигини кўпчилик яхши тушуниб етганича йўқ. Танлов халқнинг ўзида, аммо уларга бошқарув компанияларининг афзалликларини тушунириб бериш, уларни ўз хоҳиши билан аъзоликка қабул қилиш соҳа мутахассисларидан катта масъулият ва тажриба талаб қилмоқда. Албатта, Моҳира опанинг атиги 12 та уй билан очилган ширкатни бугунги кунда 70 та уйга хизмат кўрсатувчи компанияга қандай айлантиргани барчага қизиқ бўлса керак.

– Яширмайман, бошимда "Бизга бошқарув компанияси керак эмас, ширкатда қоламиз" деб аҳоли жанжал қилган пайтлар ҳам бўлди, – дея тажрибаси ҳақида сўзлаб берди Моҳира опа. – Ҳатто устимиздан арз қилиб, ёзиб чиққанларни ҳам кўрдик. Аксарият аҳоли тўлов қилиш деса ёқмайди, аммо хизматни талаб қилишни яхши кўришади. Ишимизни кўрганлар, ўзлари келиб компанияга қўшилиши истагини билдиришляпти. Шу тариха фаолиятимиз кенгайди. Аммо ҳамон ҳар хил фикрли аҳоли билан ишлашга мажбуримиз. Кимдир ўзи хоҳлаб, ўзи яшаётган уй йўлақларини чиройли қилиб таъмирлаб қўйса, яна кимдир бориши ҳам йўқ қилиб, пулини олгандан кейин компания қилиб берсин деб ўтираверади.

Асли касби муҳандис-технолог бўлган Моҳира Нуралиева 1995 йилда Кимё-технология институтини тамомлаган. Бу соҳадан иш фаолиятини Чилонзор туманидаги ижара қорхонасида муҳандис сифатида бошлаган. Ўзи ҳикоя қилиб берганидек, илк иш кунлари оддийгина стояк ёки задвижка нима эканлигини билмаган опа бугун бу соҳанинг устасига айланган. Бугун ҳар битта уйнинг томидан подвалгача, йўлақидан уйнинг ичигача унга ёд бўлиб кетган. Аҳолиси эса худди ўзининг қариндошидек.

– Ишим туфайли ҳеч қачон фарзандларимга алоҳида вақт ажратмаганман, бунинг учун менда имкон бўлмаган, – деди опа. – Шу боис, ўзимни яхши она ҳисобламайман. Одамларни онасига ўхшаб, уларни тўғрақларга, қўшимча дарслару паркларга олиб чиқишга вақтим бўлмаган. Фақат, иш деб юраверганман. Фарзандларим болалигида-ноқ мустақил бўлиб, ўзларини ўзлари эплаб катта бўлган. Ўғлим Миллий университетни битириб, яқинда диссертация ёқлади. Қизим санъат соҳасидан кетди. Қилган меҳнатларим туфайли улар бугун мен фахрланадиган даражага етишди. Турмуш ўртоғим ҳам бир умр сантехник бўлиб ишлаган. Ҳамма нарса ниятга боғлиқ деб берокорта айтишмаган экан. Шу ерда ишлаб юрганимда ҳозир ўзим турган 14-уйнинг аҳолиси сумалак пишираётганда қатнашдим. Мен ҳам шу ерлардан уй олай, яхши қўшиллар экансизлар, деб ният қилдим. Ўша пайтда сантехниклар учун ажратилган умумий ётоқхонанинг битта кичкина хонасида иккита фарзандим билан яшардик. Ният қилганимдек, тез орада ўша уйдан икки хонали квартирани бизга беришди. Ийгирма йил шу уйда яшадик. Ҳозирда 4 521 та хонадон билан шартнома асосида ишлаяёلمиз. Аввалдан ширкат билан бошқарув компаниясининг фарқини халққа тушунтириб келамиз. Масалан, кечаги совуқда учта уйда бир вақтда иссиқлик бўғинида турадиган задвижкамиз ёрилиб, сув оқа бошлади. Ком-



пания базасида барча материаллар захирлада борлиги учун сантехникларимиз тезда бориб янгисига алмаштириб, муаммони ҳал қилишди. Ширкат пайтида битта задвижка керак бўлса ҳам аҳолидан пул йиғилиб, кейин олиб келинар эди. Унганча қанча вақт, қанча асаб кетиши маълум.

Аслида шифокор бўлишни оруз қилган Моҳира опа бугун бу соҳани танлаганидан афсусланмаслигини, агар қайтадан дунёга келса, ҳеч иккиланмай яна шу ишини, шу касбни танлашини айтиди. Демак, инсон ўз касбини чиндан сева, унинг учун ҳеч қандай қийинчилик писанд эмас. Чунки, коммунал соҳада барчани бирдек рози қилиш имконсиз. Бир киши раҳмат айтса, ўн киши жанжал қилиб келиши ҳам бор гап.

– Яқинда бўлиб ўтган мураккаб вазият бизни яна бир бор синовдан ўтказди, – деди қаҳрамонимиз. – Туни билан ухламасдан, ярим соат дам олмасдан ишлаган пайтларимиз бўлди. Унта уйдаги носозликни бартараф қилсақ, биттаси нега бизга вақтда келмадик деб жанжал қилади. Нега чироғимизни ёқиб бермаёгансан ёки газ қачон ёнади деб келганларни тинчлантиришни ўзи бўлмади. Халққа энг яқини биз бўлганимиз учун ҳамма дараддин келиб бизга айтиди. Раҳмат ҳам, калтак ҳам бизни бошимизда синди. Лекин кўпчиликнинг дуоси туфайли эшитган аччиқ гапларимизни унутдик, чарчоғимиз ҳам чиқди. Бир кунги кечаси билан ухламасдан тик оёқда битта уйнинг электр токини тузатиб чиқдик. Кўчага чиқшим билан бир аёл югуриб келиб, маҳкам кучоқлаб олди-да, "Боризга шуқур, раҳмат сизга" деди. Ишонасизми, қувончдан йиллаб юбордим, туни билан чеккан азобим ҳам эсимдан чиқиб кетди... Ун кун давомида бундай вазиятлар кўп бўлди. Яна бир уйга чироқни тузатишга борсак, эрак киши

бақир-қақир қилиб қолди. "Ажажон, илтимос биз билан бир кун юринг, майли кечаси эмас, кундузи бўлса ҳам" дедим. Ахир, бир кунда 10 талаб уйда чироқ бирдан ўчиб қолса, айб бизда эмаску?

Хуллас ўша кун эрталабки 10 дан кечки 23 гача ўша уйда ишладик. Орада аҳоли билан гулхан ёқиб исиндик, бирга чой қайнатиб ичдик. Ўзлари кўриб туришди қандай вазиятда ишлаганимизни. Охири, тан беришди-ку. Эрталаб жанжал қилганлар кетаётганимизда "Ростдан ҳам сизларга қийин экан, раҳмат, биз рақам топилган" деб кузатиб қолдик. Мана шу қийин вазиятларда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги вакиллари ҳам бизни ташаб қўйишляпти. Вазир ўринбосарлари Шуҳратullo Жаҳонгиров ва Озода Жўраева нима ёрдам керак бўлса, доимо ёнимизда туришади. Қийин вазиятларда кишиларни бир-бирга ақинлаштириб, ахилликка чорлаганидан қувондим.

Келгусида компаниямиз фаолиятини кенгайтириб, аҳолига янада кўпроқ хизматлар тақлиф қилишни режалаштиряёلمиз. Ҳозирги ишимга қўшимча равишда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан ҳам шуғулланамиз. Асосан, мактаб-боғча реконструкцияси ва қурилиши. Ўзим қурилиш ишларини жуда яхши кўраман. Юқори Чирчиқда битта боғчани тўлик қуриб битказдик. Буюртмага қараб, қурувчиларни шартнома асосида ишга оламиз. Коммунал ишларини ўзимиз қиламиз. Ақфа шехимиз бор, ишлаб турибди. Йигитлар билан маслаҳатлашиб кўрсак, 50 дан ортиқ хизматларни бемалол ташкил қилсак бўлар экан. Масалан, йўлак тозалаш, уй тозалаш, уйни ичмини тўла коммуникация ва электр билан таъминлаш каби янги ишчиларимиз бемалол бажара олади. Компания фақат кўча супуриши ёки ахлат йиғиш билан шуғулланмайди. Бу шароитда компанияларини асл мақсади ҳам шу, инсон қанчага хизматга муҳтож бўлса шунини ташкил қилишдир.

Опанинг бу хизматлари давлатимиз томонидан муносиб равишда эътиборга олинмоқда. Карантинда бутун жамоаси билан шифохоналар қурилишида қатнашгани учун "Меҳр-саховат" кўрак нишони берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 ва 25 йиллиги эсдалик нишонлари, Конституциямизнинг 25 йиллиги эсдалик нишонига ҳам сазовор бўлган. Утган йили эса юртимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан Моҳира Нуралиева "Дустлик" орденига сазовор бўлди.

Замондошларимиз – учала қаҳрамонимиз ҳам ўз касбининг моҳир усталари, ишини жону дилидан севадиган инсонлар. Шу боис, улар ҳар қандай қийинчиликку машаққатни енгилса қодир. Зеро, ўз ҳикояларида таъкидлаганидек, касбини севаган инсон қийинчиликдан асло қўрқмайди. Қувонарлиси, юртимизда яна юзлаб, минглаб бундай қаҳрамонлар бор. Уларнинг фаолияти эса бошқа ҳикояларда акс этса ажабмас...